

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил  
13 ноябрь  
ЧОРШАНБА  
№ 91 (12623)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Бош Қомусимиз ҳуқуқий тараққиёт асоси сифатида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ривожининг устувор йўлларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди. Давлат халқ иродасини ифода этиши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ экани, инсон,

унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида амалга ошириши каби муҳим тамойиллар Конституциямиздан кенг ўрин олган.

## БОШ ҚОМУСИМИЗ – ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

Конституция ва қонуннинг устуворлиги асосий қомусимизнинг муҳим тамойили сифатида эътироф этилгани катта аҳамиятга эгадир. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўришлари қонун мустаҳкамланган.

Конституция ва қонунларнинг устуворлиги тамойили-

нинг жамият ҳаётида амалий таъминланишида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" ҳамда республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши муҳим аҳамият

касб этади. Фуқароларга Конституциянинг мазмун-моҳиятини етказиш уларнинг конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини чуқур англашлари асос бўлди. Шу боис таълим муассасаларида ва барча таълим турларида Бош Қомусимизни чуқур ўрганиш тизимли йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

## Фармон ва ижро

### ФЕРМЕРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Республика Президенти Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамда вилоят ва қишлоқ туманларида шундай кенгашлар ташкил этилганига бир йилдан ошди.

Вилоят ҳокимлиги ва фермерлар кенгаши ушбу Фармонга асосан вилоят туманларида кўптармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш лойиҳаларини тасдиқлади. Маъмур дастурда 2013 йилда 2223 та фермер хўжалигида кўшимча тармоқлар ташкил этиш ва шунинг ҳисобига 11 минг 565 та янги иш ўрни яра-

тиш режалаштирилган эди. Бу муҳим дастур жойларда қандай амалга ошириляпти? Вилоят фермерлар кенгашининг ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси Қахрамон Абсаев "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди. – Йилнинг ўтган даврида 34 та хўжаликда кўшимча

2753 гектар интенсив боғ, 95 тасида 959,9 гектар тоқор барпо этилди. 711 та хўжаликда кўшимча 2664,04 гектарда сабзавотчилик, 100 тасида қорамолчилик (5772 бош), 47 тасида паррандачилик (185 минг 650 та), 51 тасида балкичилик тармоқлари ташкил қилинди. Тўрт фермер хўжалигида гўшт ва сутни қайта ишлаш технологиялари ўрнатилди. 371 та хўжаликда сервис хизматлари йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

## Шу сонга

### КЕНГ, ЁРУФ ВА ЗАМОНАВИЙ

Вилоят ўсма касалликлари диспансерининг янги даволаш ва диагностика биноси фойдаланишига топширилди. Инвестиция дастурига киритилган бинони қуриш учун 1,5 миллиард сўм сарфланди. Шундан 500 миллион сўмини пудратчи ташкилот "Ўзметкомбинат" корхонаси ўз ҳисобидан ажратди.

– Илгари жой етишмаслиги, керакли тиббий жиҳозларнинг камлиги учун саратон касалликларини эрта аниқлаш ва даволашда турли қийинчиликлар пайдо бўларди, – деди диспансер бош шифокори Абдулла Абдуҳакимов. – Энди ишимиз анча энгиллашди. Беморларни нима безовта қилаётгани замонавий усуллар ёрдамида тез аниқланиб, даволашга киришилади.

Янги бино йўлақлари кенг ва ёруф. Рўйхатхона компьютер жамламаси билан жиҳозланган. Биринчи қаватда поликлиника, иккинчи қаватда 25 ўринли даволаш бўлими жойлашган. Поликлиника бўлими бошлиғи Даврон Султоновдан бошлаб 6 шифокор, 11 ҳамшира янги бинода иш бошлаганларидан мамнун.

(Давоми 2-бетда).



Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН «OST-AUSSCHUSS INFORMATIONEN» ЖУРНАЛИДА

Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси мунассиплигида ҳар ойда чоп этиладиган «Ost-Ausschuss Informationen» журналі саҳифасида яқинда Ўзбекистон билан ҳамкорлик мавзусига бағишланган салмоқли мақола босилиб чиқди.

Ишбилармонлар наشري ҳисобланган ушбу журнал Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши масалаларини ёритади. Журналнинг ҳар сонида Шарқий қўмита фаолияти доирасига кирадиган минтақалар, шунингдек, шериклик муносабатлари, турли учрашув ва бошқа тадбирлар ҳақидаги мақолалар чоп этилади.

Мамлакатимизга бағишланган маъмур мақола аввалда Ўзбекистоннинг катта саноат ва технологик салоҳиятларга эга бўлган, ишончли ва узок муддатли шерик – Германия билан кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлиги қайд этилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда немис сармоядорлари иштирокида тузилган юздан ортиқ корхонанинг фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, MAN, Claas, Lemken, Knauф

сингари бутун дунёга машҳур саноат гигантлари билан юк автомобиллари, кишлоқ хўжалиги техникалари ва уларнинг бутловчи қисмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кўшма лойиҳалар ҳаётга табиқ этилаётгани Ўзбекистон ва Германия ўртасида муваффақиятли иқтисодий ҳамкорликнинг мавжуд эканлигидан далolat беради.

"Ўзбекистон аҳоли сони жиҳатидан Марказий Осиёдаги йирик давлат ҳисобланади, деб ёздади журнал. Минтақанинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон истикболли бозор ҳамдир. Республиканинг кўп минерал хом ашё салоҳияти, ривожланган саноат ва транспорт инфратузилмаси ҳамда юқори малакали мутахассис-ларнинг кўшма сармоявий лойиҳалар муваффақиятини гарови ҳисобланади".

Мақолада қўлай сармоявий муҳит таъминланиши

мақсадида Ўзбекистон қонунчилиги узлуқсиз равишда такомиллаштириб бораётгани алоҳида таъкидланган. "Сўнгги икки йил мобайнида чет эллик сармоядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бюрократия тўсиқларга барҳам бериш ҳамда ҳисоботлар ва фаолиятнинг лицензияланганлиги турларини қисқартиршига йўналтирилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. Натичада ўтган йили мамлакатда 23 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари очилдики, уларнинг ялли ички маҳсулот умумий ҳажмидаги ҳиссаси 54,6 фоизга ўсди".

"Ost-Ausschuss Informationen" журналі 500 та сармоявий лойиҳа амалга оширилишини кўзда тутадиган "Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида"ги Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани масаласига алоҳида эътибор қаратган. Мақола билан танишган немис сармоядорлари "Навоий" эркин индустриал иқтисодий ҳудуди, "Хиззах" ва

"Ангрен" махсус индустриал зоналарида яратилган қўлай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар, Ўзбекистон эркин савдо тўғрисида битим тузган МДҲ мамлакатлари ҳамда Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё бозорларига маҳсулот экспортини амалга оширишнинг имкониятлари тўғрисида атрафлича маълумотларни олишлари мумкин.

Кези келганда қайд этиш жоизки, кейинги йиллар давомида Германияда мамлакатимизнинг бой иқтисодий ҳамда сайёҳлик салоҳиятига, унинг санъати, маданияти ва анъаналарига бўлган қизиқиш кучайиб бораётгани кузатишмоқда. ГФР оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон мавзусига бағишланган мақолалар мунтазам равишда эълон қилинаётгани мамлакатимизнинг сармоявий имкониятлари ҳамда сайёҳлик салоҳияти Германия ишбилармон доиралари ва немис жамоатчилиги ўртасида тобора оммалашиб бораётганидан далolat беради.

"Жаҳон" АА. Берлин.

## Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар

Юртбошимизнинг ёшлар тарбияси, камолоти йўлидаги гамхўрликларининг яна бир ифодаси бўлган "Зулфия номидаги Давлат мукофоти" таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларидаги 883 та умумтаълим мактаблари, 128 та академик лицей ва касб-хунар коллежларида, 3 та олий ўқув yurtларида атоқли шоира номидаги мукофотга номзодлар танлови ўтказилди.

## АТОҚЛИ ШОИРАГА ҲАВАС ВА ЭҲТИРОМ

Унда 11 минг 485 қиз иштирок этиб, муносиблари танловнинг 2-босқичига тавсия этилди. 122 истеъдодли қиз хиятига, адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишлари бўйича иқтидор ва лаёқатларини намойиш этишди. Номзодларнинг Низом таълаблари бўйича ўрганилган ҳужжатлари, қўлга киритилган дунёқараши юзма-юз муносабатларида мукамал ўрганилди ва фойлибар аниқланди.

– Натича ёмон эмас, – дейди танловнинг вилоят

комиссияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир. – 14 йилдан буён давом этиб келаётган анъанавий танловда қизларимизнинг билим ва иқтидори тобора ўсиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Олдинда янда юксак марра – танловнинг республика босқичи турбди. Унда иштирок этадиган қизларимиз вилоятимиз шаъни, обрўсини муносиб номзод қила олади деган умиддамиз. – Бугунги танлов мен учун жуда катта ҳаётий сабоқ бўлди, – дейди иштирокчи-

лардан бири Дилнавоз Нажимова. – Адабиёт ва шеърининг меннинг жону дилим. Лекин ҳали кўп ўқишим, ўз устимда ишлашим кераклигига иқроор бўлдим.

Ҳақиқатан ҳам, эл-юртимиз, Ватанимиз умиди, ишончини оқлаш осон эмас. Нафақат билим, балки юксак маънавият, инсонийлик сабоқлари ёшларимизни, доно қизларимизни эл-юрт меҳрига, ардоғига сазовор этади. Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

## «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

### «ТАВСИЯЛАР КИМЛАР УЧУН ЁЗИЛАДИ?»

Газетанинг шу йил 23 октябр сонидеги юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Оҳангарон туманида вилоят ишчи гуруҳи хабарномасида кўрсатилган топшириқлар ижроси таъминланганини, бироқ сарлавҳага тайёргарлик қўриш жараёни оммавий ахборот воситалари орқали кам ёритилгани таъкидланган эди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан туман ҳокими Р. Убайдуллаев имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланганича, мақола фуқароларнинг иштироки билан қўрилган йиғинлари раислари (қосқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси йиғилишида муҳокама қилинди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш учун зарур чора-тадбирлар белгилаб

олинди. Газетада танқидий мақола чоп этилганига қадар ҳам туман "Оҳангарон ҳаёти" газетасида сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида мақола эълон қилинди ва ундан кейинги чиқишлар ҳам сайлов жараёнини тўри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу сайловларда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида бундан буён ҳам туман газета саҳифаларида маъмур жараёни янада кенг ва чуқур ёритиб бориш кўзда тутилган. Шунингдек, туманда сайловларни юқори тайёргарлик ва ушбоқлик билан ўтказиш, демократия талаблари асосида энг муносиб номзодларни сайлаш учун барча шароитларни янада кенг ва чуқур ёритиб бориш кўзда тутилган. Шунингдек, туманда сайловларни юқори тайёргарлик ва ушбоқлик билан ўтказиш, демократия талаблари асосида энг муносиб номзодларни сайлаш учун барча шароитларни янада кенг ва чуқур ёритиб бориш кўзда тутилган.

### «ЁМҒИР ЁҒМАЙ ТУРСА ЭДИ...»

Газетанинг шу йил 19 октябр (№84) сонидеги шундай сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда ёмғир ва канализация оқова сувлари оқиб қоравеганидан Янгийул тумани Муқимий кўчаси 16-уйда яшовчи Зулиҳа Керимованинг уйи қулаб тушгани, натижада пенсионер ночор аҳволда қолгани, энг ачинарлиси жойлардаги раҳбарлар бу масалага эътиборсиз муносабатда бўлишгани баён этилган. Туман "Сувоқова" ишлаб чиқариш шўба корхонаси раҳбари Д. Маримов имзоси билан жавоб хати келди. Унда таъкидланганича, корхона ходимлари мақолада кўтарилган муаммоларга ваъдасиз жойига бориб ўрганишган ва бу ердаги камчилик ва нуқсон-

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ҚИБРАЙ ТУМАНИ БЕШ НАФАР ЁШЛАР ИШЛА БЎЛДИ

"Шералиев Абдулла" хусусий корхонаси бунёд этган, лойиҳа қиймати 95 минг АҚШ долларлик савдо дўкони ишга тушди. Маҳаллий аҳоли зарур уй-рўзгор буюмлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини узоққа бормай, шу ернинг ўзида харид қилишмоқда. Энг муҳими, бу ерда 5 нафар маҳаллий ёшлар муҳим иш ўрнига эга бўлди.

### АНГРЕН ФОНДИНИНГ ХАЙРЛИ ТАШАБУСИ

Республика "Сен ёлғиз эмассан" болалар жамоатчилиги фондининг саъй-ҳаракати билан Ангрендаги 34-мактаб-интернат биносини табиий газ билан иситиш йўлга қўйиб, махсус қозонхона ишга туширилди.

Замонавий қиёфадаги бино технологик жиҳозлар, хусусан махсус электрон бошқарувга эга автоматлаштирилган асбоб-ускуналар ва ҳисоблагич билан таъминланган.

### ОЛМАЛИҚ ИНТЕРНЕТ – МАЪНАВИЯТ КУШАНДАСИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари қўллаб-қувватлаш фонди гранти лойиҳаси доирасида шаҳардаги 23-умумтаълим мактабиде ёшлар учун "Ахборот хуружлари ёшлар келажакига таҳдид" ҳамда "Интернет – маънавият кушандасими?" мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди. Таъбирдан 23-умумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, халқ таълими алочиси Умид Муродов интернетдан фойдаланиш қоидалари ва унинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча берди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

## Яна тўловлар ҳақида

### ҲАҚИДАН ҚОЧИБ, ЖАРИМАГА ТУТИЛИШДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эмин-эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилган. Фақат улар ишни тўғри ташкил этсалар, сифатли ва ҳаммабоб маҳ-

сулотлар билан ички бозорни тўлдиршиша бўлган. Аммо, қонун-қоидаларни оёқ ости қилиш ҳисобига эмас. Шу ўринда савол туғилади: "Ҳамма ҳам даромадини ҳалоллаб топаётими?"

"Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти, туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш билан бирга кўрсатилган коммунал хизмат учун истеъмолчилардан тўловларни вақтида ундиришга ҳаракат қилаётганига қарамай, жойларда кафе, ресторан, савдо дўконлари, кичик ишлаб чиқариш цех-

лари раҳбарлари фойдаланилган электр энергияси ҳақини тўлашга қўриблари етса-да, бунга беписанд муносабатда бўлмоқдалар. Айримлар эса электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётир.

Чиноз тумани Самарқанд қишлоғидаги "Дўмбиробод Савдо" масъулияти чекланган жамиятига қарашли дўконда электр ҳисоблагичнинг носозлиги аниқ-

ланди. Бунга нисбатан далолатнома тузилиб, 554 минг сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Текширувлар вақтида Урта Чирчиқ тумани Оқота қишлоғидаги "ТИА Жаҳон" қурилиш корхонасида ўзбошимчилик билан электр тармоғига уланиб олинган аниқланди. Корхонадагилар электр тармоқлари идораси назоратчилари кўзини шамғалат қилиш-

нинг уддасидан чиқа олишмади. Энди улар далолатномада қайд этилган 933 минг сўмини тўлаб қўйишга мажбурлар.

"Дадақон юксалиш сервис" шлакблук ишлаб чиқариш цехидагилар ҳам устомонлардан чиқиб қолишди. Корхонада ҳисоблагичдан ташқари электр ускуналардан фойдаланилгани аниқланиб, қондабузарлик далолатномаси тузилди.

Юқорида кўрсатилган қонунбузулиш ҳолатлари юзасидан ҳужжатлар тўпланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди. Хурушида НАЗАРОВА.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

БОШ ҚОМУСИМИЗ – ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

Шунингдек, ёшлар орасида Конституцияни чуқур ўрганишни ташкил этиш мақсадида "Сиз Конституцияни биласизми?"...

да. Барча ташкилот ва муассасаларда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинмоқда...

ро ўз эркини ҳис этиб, фахрлининг тайин. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, Қўлингизда эрк, бошда ялов, тилингизда суруд...

Фармон ва ижро

Юртбошимиз Фармонининг асосий мақсад-моҳиятларидан бири фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир...

мер хўжаликлари фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилинди. Жумладан, Зангиота туманидаги "Алишер Файз Мурувват" фермер хўжалигининг беш йиллик фаолиятини текширган туман давлат солиқ қўмитаси 609 миллион 794 минг 700 сўм жарима солиш ҳақида хўжалиқнинг қаролини қайтариш шартномасини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди...

циясининг 609 миллион 794 минг 700 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарорини қайтариш шартномасини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди...

Бундан ташқари, кенгашимиз 684 та фермер хўжалигининг жами 4 миллиард 322 миллион 438 минг сўм ҳақларини тўлаб бериш ҳақида қарздор қорхона ва ташкилотларга талабномалар киритди...

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

лик судига даъво аризаси киритган ва суд бу даъвони қаноатлантирган эди. Фермер хўжалиги раҳбари бундан норози бўлиб, вилоят фермерлар кенгашига мурожаат қилди...

ижараси шартномасини бекор қилиш тўғрисида вилоят хўжалиқ судига қассадия аризаси киритди. Қассадия инстанцияси суд мажлисида ушбу қўллангани молиявий жаримани асосий деб топиб, вилоят хўжалиқ суди қарорини бекор қилди...

Фарзанд оилада камол топади. Хар бир ота-она фарзанди дунёга келган илк ондан бошлаб, унга бутун меҳрини беради, бор имконини сарф этади...

Соғлом она – соғлом бола

ФАРЗАНДА КАМОЛИ ОИЛАДА ШАКЛЛНАДИ

Оила, фарзанд жамият асоси ва хар бир инсоннинг ҳаётими мазмуни ҳисобланади. Шу боис халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом дуст қарор топиши ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратиб, эъозлаб келган...



Фарзанд оилада камол топади. Хар бир ота-она фарзанди дунёга келган илк ондан бошлаб, унга бутун меҳрини беради, бор имконини сарф этади...

Фуқаролик жамияти сари



Бўлажак раисдан УМИДИМИЗ КАТТА

Зангиота тумани Зоиржон Жалилов маҳалласида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига жиддий тайёргарлик қўрилди. Маҳалланиннг 2296 аҳолиси сайлаш ҳуқуқига эга.

– Сайланадиган раис ва маслаҳатчиларимиз аҳоли қорига ярайдиган, уларнинг муаммоларини ҳал этишга қўмаклашадиган бўлишлари керак, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси Ахбор Носиров. – Ҳозир қишлоқларимиз шаҳар даражасига кўтарилаётганини кўриб, кўзингиз қувонади. Қўп қаватли турархўйлар, мусика ва спорт мактаблари эртамиз ворислари бўлиши фарзандларимиз учун бунёд этилмоқда. Бундай гамхўрликни қўрган ёшларда Ватан туйғуси янада жўш уради.

Феруза Тўраева, Еркебой Ботиров олган сурат.

Шу сонга

КЕНГ, ЁРУФ ВА ЗАМОНАВИЙ

– Саратон касаллигининг 50 физи сиқилишдан келиб чиқади, – дейди рентген ташхис бўлими мудири Иззатилла Тўхатов. – Шунинг учун ҳаётда хотиржамликни қўлдан чиқармаслик керак. Касал орттириб олишни истамасангиз ҳеч қачон асабингизни бузманг. Ҳаёт гўзал, ундан баҳра олиб яшашимиз керак.

Янги бинога Германиянинг "Karl-Shtorz" фирмасидан лапароскопия ускунаси олиб келинган. Бундан ташқари, дунёнинг "Fujiipon", "Olympus", ва "Drager" каби етакчи қорхоналарида келтирилган УЗИ, эндоскопия, кимётерапия, колоноскопия жиҳозлари ҳам бор. Хар бир хона совутирилган, кўп функцияли қаравотлар ва музлатки билан жиҳозланган. Салкам 90 йилдан бери фаолият юритаётган шифохона 220 ўринга мўлжалланган. Бу ерда ишлайётган 50 дан зиёд шифокорларнинг 12 нафари олий тоифали, яна шунчаси тиббиёт фанлари доктори. 10 га яқини тиббиёт фанлари номзоди. Диспансерда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлигида гапирилган эди

Мамлакатимиз Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида коллежаларни "Электрон таълим" тизимига улаш ва ахборот-кутубхона тармоғини ривожлантириш йўналишида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Мақсад – телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш. Дастлаб 2014-2015 йилларда 18 та коллеж янгича таълим тизимидан баҳраманд бўла бошлайди. Кутубхона йўналишида эса, 147 та муассасаниннг ҳаммасига замонавий ахборот-кутубхона тармоғи татбиқ этилади. Айни кунларда шу ишлар лойиҳаси тайёрланмоқда.

– Бу тизим кўплаб қулайликлар яратади, – деди Ангрэн шаҳар ахборот технологиялари ва саноят касб-ҳунар коллежи раҳбари Абдуҳаким Мамадалиев. – Коллежалар учун юқори ташкилотлар билан ўзаро текзор маълумот алмашиш имкони тўғрисида. Бошқа ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади. Мулоқотта чиқиб унун узоқ йўлга босиб боришга ҳожат қолмайди. Қолаверса, маблаг ҳам тежаланди. Дейлик, сиз таълим олаётган коллеж кутубхонасида бирор адабиётни қидириб топа олмадингиз. Ишга тушириладиган тизим ёрдамида мушкулнингиз тезда ҳал бўлади-қолади. Коллеждаги компьютер ёнига ўтириб, бемалол китобни қидириб топишингиз мумкин. Яъни, янгийўлик ёки чинозлиқ тенгшосингиз таълим олаётган коллежда, албатта, сизга керакли китоб бўлади. Сиз йўлга отланмасдан аудиториянгиз-

нинг ўзида китоб мутлаақ қилишингиз мумкин. Фақат буюртма берсангиз қифо. Керак бўлса, нусха кўчириш имконияти ҳам яратилади. Бу сизнинг бекам қўст таълим олишингиз, кўнрақда ўзингиз танлаган касб бўйича етук мутахассис бўлиб етишингиз учун қилинаётган ислохотлар

томатлаштириш ҳам мумкин бўлади. Бунинг учун хар шаҳар ва тумандан биттадан намунали коллежалар танланган бўлиб, улар таянч марказларга айлантирилди. Ўз навбатида улар бошқа коллежларга услубий ва дастурий қўмак беришади. – Ҳозир коллежмизда

устаси Абдували Темиров. – Энг асосийси, қозғозбозликка чек қўйилади. Барчаси электрон кўринишда бўлади. Чунки қозғоз ҳам бизга валюта ҳисобига четдан келтириляпти. Уни иқтисод қилиш кераклиги шу қарор негизда кўрсатилган. Бизга берилган маълумотларга қараганда, ўтган йили вилоятимизда биринчи бўлиб Зангиота академик лицейида видео-конференция зали ишга туширилди. Натижада таълимга тегишли турли селекторлар, очик семинарлар ўтказилаётган экан. Лицей директори Назоқат Жўраева ва информатика ўқитувчиси Равшан Рўзимбетов қарор доирасида таълим учун яратиладиган имкониятлардан хурсанд эканликларини айтишди.

Электрон кутубхонада эса, қанча вақт ва қанча одам фойдаланишига қарамай, китоблар эскирмайди. Энг асосийси бир вақтнинг ўзида кўплаб ёшлар бу китобларни ўқишлари, ирилган вақтда бемалол фойдаланишлари мумкин. Академик лицей хорижий тилларни чуқур ўргатишга иқтисослашган. Ҳозир 574 ўқувчи таълим олаётган лицейда инглиз, корейс, араб, хитой, рус тиллари фанларини ўргатишда ҳам замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади.

ЭЛЕКТРОН КИТОБНИНГ БОРМИ, ДЎСТИМ?

самарасидир. Бизга айтишларича, бундай тизимлардан фойдаланиш учун коллежалар интернет тармоғига уланган ҳамда локал тармоқ йўлга қўйилган бўлиши керак эди. "Электрон таълим" тизимининг яна бир афзаллик томони шундаки, унинг ёрдамида масофадан туриб дарс ўтиш ёки тинглаш мумкин. Яъни, масофавий таълимни йўлга қўйиш имкони тугилади. Келгусида лойиҳаларни амалга ошириш баробарида "BePro" дастурчилар маркази вакиллари кутубхоначилар учун иқтисослаштирилган дастурий таъминот – "KaDaTa" дастурий маҳсулотлари ва "Irbis" Россиянинг ахборот-ресурс маркази имкониятларидан ҳам фойдаланиш кўзда тутилган. Ахборот-кутубхона тармоғини ривожлантиришда кутубхоналарнинг илмий ишлар, кўлэзма ва нодир нашрлар маълумотлар базаси, имиж-каталог ташкил этиш, керакли рақамларни бериш бўйича интерфаол дастур, китоб ва даврий нашрлар статистика ҳисоботини ав-



молларга қараганда, ўтган йили вилоятимизда биринчи бўлиб Зангиота академик лицейида видео-конференция зали ишга туширилди. Натижада таълимга тегишли турли селекторлар, очик семинарлар ўтказилаётган экан. Лицей директори Назоқат Жўраева ва информатика ўқитувчиси Равшан Рўзимбетов қарор доирасида таълим учун яратиладиган имкониятлардан хурсанд эканликларини айтишди. Буни қарангки, лицей Германия ташкилотларининг эътиборига тушибди. Яқинда Германиянинг таълимга йўналтирилган грант асосида сўнгги русумдаги 16 та компьютер олиб келинади. Бу лицей ўқувчиларига катта совға бўлиши шубҳасиз. – Айрим қадимий китоблар эскириб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади, – дейди информатика ўқитувчиси Равшан Рўзимбетов. – Уларни тез-тез қайтадан нашр қилиш, чоп этишининг имкони хар доим ҳам бўлмаслиги мумкин. Қозғоз, вақт, маблаг...

Меҳнат миграцияси

ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАШ ЯХШИ, АММО...

Ташқи миграция дунё миқёсида давом этиб келаётган жараён бўлиб, унинг айниқса, меҳнат миграцияси тури кенг тарқалган. Ушбу жараёнларни тартибга солиш, унинг ҳуқуқий базасини яратиш ва амал қилишини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳам етарли тажрибага эга.



Меҳнат миграциясининг яна бир тури, яъни махфий йўсинда чет эларга чиқиш, ишлаш тури ҳам мавжудки, баъзи фуқароларимиз шу йўлни танлашга мойиллар. Бирок, махфий миграция кўплаб ноҳушликларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Бунга истанган мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, мўмай пул топишни мақсад қилганларнинг аксарияти ўзлари бораётган юрт тилини билмаган ҳолда

товламачиларга дуч келиб, текин ишичи кучи, яъни қулга айланб қолмоқда. Айримлар эса чет эл ҳаётига кўр-кўрона берилиб, турли касалликлар орттириб келмоқдалар. Ташқи миграцияда юрган баъзи фуқароларимиз жиноятлар содир этиб, мамлакатимизнинг обрў ва нуфузига пўтур етказмоқдалар. Бунга йўл қўймаслик мақсадида вилоят, шаҳар ва

зида бу йўналишдаги ишлар бир мунча намунали йўлга қўйилган. Марказ оҳида хона, компьютер тармоғи билан таъминланган, ишонч телефони ташкил этилган. Мониторинг марказида тўртта рўйхатга олиш дафтари мавжуд бўлиб, унда ишонч телефонига кўнгирок қилган фуқаролар рўйхатга олинади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари тақдим этган рўйхат асосида чет элга чиқиб кетган кишилар қайд этилади. Яна бир дафтарага чет эллардан қайтиб келган фуқаролар рўйхати киритилади. Шунингдек, хорижга ишлаш учун бориш истагиди фуқаролар маҳалла фуқаролар йиғинлари тақдим этган рўйхат асосида қайд этиб борилади. – 2013 йил 1 ноябрь ҳолатига туманимиздан чет элларда ишлаш учун 1598 фуқаро, шу жумладан, 431

аёл чиқиб кетган, – дейди мониторинг маркази масъул ходими Феруза Умарова. – Ҳозир меҳнат миграциясидаги фуқароларимиздан 124 нафари, шу жумладан, 19 аёл юртимизга қайтиб келган. Улардан 77 нафари мустақил равишда ишга жойлашди, қолганлари эса ишлашга эҳтиёжлари йўқлигини билдиришди. Туман ташқи меҳнат миграциясини мониторинг қилиш марказига 162 фуқаро, шу жумладан, 78 аёл мурожаат қилди. Уларга туманда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари тақлиф этилди. Мониторинг маркази махсус эслатмалар тайёрлаб, барча маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали аҳолига тарқатмоқда. Ушбу эслатмада республикадан ташқари мустақил равишда иш излаб кетаётган фуқаролар учун керакли барча йўл-йўриқлар баён этилган.

БОҒЧА КЕНГАЯДИ

Зангиота тумани Уртаовил шаҳарчасида аҳоли зич жойлашганлиги ва боғчага талаб катталиги сабабли 18-мактабга таълим муассасаси раҳбарияти барча имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, яна 6 та гуруҳ очиб мумкин деган ҳулосага келди. Бунинг учун муассасаниннг бўш турган иккинчи биноси таъмирдан чиқарилди. Таъминот масаласи ҳал этилса, тарбияланувчилар икки баровар кўпаяди. Ҳозир бу боғчада 170 кичкинтой тарбияланмоқда.

Уз муҳбиримиз.

СУРАТА: (чапдан ўнғига) бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофизат қилиш туман марказининг Ўйшун қишлоғига бириктирилган вакили Иброҳим Эминов, туман ташқи меҳнат миграциясини мониторинг қилиш маркази масъул ходими Феруза Умарова ва "Бойовул" маҳалла фуқаролар йиғини қотибаси Сабоҳат Ўброҳимова бажарилган ишлар ҳақида сўхбатлашмоқда. Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Тенгдошларга намуна

Пойтахтдаги "Ўзқўрғазмасавдо" марказида "Ватаним тараққиётга менинг ҳиссам" шиори остида ёш тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг республика кўرғазмаси иш бошлади.

тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг республика кўрғазмаси иш бошлади.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИДА  
ЁШЛАР ҲИССАСИ

Ушбу кўрғазма Вазирлар Маҳкамасининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш доирасида ёш тадбиркорлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва уларни маънавий рағбатлантириш мақсадига ташкил этилди.

меннинг ҳиссам" шиори остида ўтказилаётган кўрғазма кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, ёшлар эришаётган юқсак натижаларни тарғиб қилишга, ёшларда мулкдор бўлиш ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.



Азамат АҚМЕДОВ олган суратлар.



140 ёш тадбиркор, фермер ва хунарманд ўз маҳсулотлари, шунингдек, инновацион лойиҳалар, рационализаторлик ишланмалари муаллифлари эса ўз ижод маҳсуллари билан иштирок этмоқдалар. Улар сафида вилотимиздан жамъанга 11 киши - олти хунарманд, икки фермер ва уч тадбиркор бор.

Олтин мерос

Хар қарчи муқаддас Ватан сарҳадлари онза-замин қарғида не-не сирини оятлар, ҳалқимиз ўтмишидан дарак берувчи ёдгорликлар, осори-атикалар мавжуд. Маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида муқтадлик йилларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

ВАТАНИ СЕВ, ТУПРОФИНИ ЎП!

Халқаро ҳайрия жағғармаси вилот бўлимининг ишларини оммалаштириш мақсадида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда жағғарма-нинг вилотлардаги бўлимлари раислари, мухтаassisлар, ўлкашунос, тарихчи олимлар иштирок этди.

Воҳасининг жавоҳири", "Илоқнинг азалий мероси" каби ҳужжатли фильмларнинг яратилиши олтин меросимизни келгуси авлодларга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Олов – тилсиз ёв

ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Сўнгги вақтларда табиий газдан ноқонуний фойдаланиш, айниқса, иссиқхона, новвойхона, сомақхона эгалари тегишли ташкилотлардан рухсатнома олмай, табиий газ тармоғига ўзошим-

чалик билан уланиши ҳоллари учраб турибди. Бу аҳоли учун мўлжалланган газ этишмаслиги ҳамда нотўғри фойдаланиш оқибатида ёнги ва портлаш содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Республика Президентининг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013/2014 йил кўз-қийи даврида барқарор ишлашга таёйрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ва табиий газдан фойдаланиш долзарб масала эканлигини ҳисобга олиб, иссиқхона ва бошқа мақсадлар учун табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, ясама мосламалардан фойдаланишларни бартараф этиш ҳамда кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик мақсадида давлат ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари, тегишли идоралар ҳамда жа-

моатчилик вакиллари билан бирга бугунги кунга қадар 268 та гуруҳ тўзилиб, 13 миңдан ортиқ қорхона, муассаса, ташкилот ва ҳўжалиқларнинг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ текширилди ва 11 миңдан зиёди мавсум олдида ўрганиб чиқилди.

Шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида содир бўлган ёнғинлар таҳлили айнаган газ усқуна ва мосламаларидан фўқароларнинг нотўғри фойдаланишлари, ота-оналарнинг ёш болаларга газдан фойдаланишга рухсат беришлари, газ плиталаридан иситиш мақсадида фойдаланишда ва лоқайдлик оқибатида 326 та ёнғин содир бўлганини кўрсати-ди. Улар оқибатида 49 фўқаро, жумладан, уч бола турли даражада кўйиб, шифохоналарга ётқизилди.

Диққат, танлов!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон муқтадил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фўқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш муқтадил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудида ижодий танловни эълон қилади.

«ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Ўзбекистон муқтадил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фўқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмағида ўтказилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фўқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмағида ўтказилади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

«ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Advertisement for MATBUOT tarqatuvchi. Includes a table of regional branches and contact information.

2013 йилда ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИغان ЗАМОНАВИЙ ҲЎ-ЖОЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИ БОШЛАДИ!

Advertisement for Kelaжkа housing program. Includes an image of a house and details about the program.

Янги ўйлар Сиз учун узоқ муддатли сармов ва фарзандлар учун мерос.

Advertisement for insurance services. Includes an image of a person and details about the services.

Замонавий қурилиш маълуми ва ЮКОРИ СИФАТЛИ ҲЎ-ЖОЛАРНИ ОЧИНИ!

Advertisement for construction services. Includes an image of a construction site and details about the services.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат Қўмитаси Тошкент Ҳудудий Бошқармаси Савдо Натижалари Ҳақида Маълум Қиладди

Advertisement for the State Competition Committee. Includes details about tender results and contact information.

Advertisement for TRANS ENERGO KABEL. Includes details about energy services and contact information.

